*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**26 апрель**
ШАНБА
**№ 34** (12670)

www.th.uz

Таълим ва амалиёт

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

***"Кнауф" фирмаси Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт коллежига амалиётда асқотадиган ўқув қуроллари жамланмасини тақдим этди.***

Германиянинг "Тараққиёт" ривожлантириш банки бу қурилиш анжомлари учун 270 минг евро маблағ ажратиб берди.

– Янги анжомлар ўқув хоналарига ўрнатилгач, ўқувчилар учун янада яхши қулайликлар вужудга келди, – дейди Борсдорф шаҳридаги "Ҳунармандлар" ўқув марказида тажриба ошириб келган уста Олимжон Қудратов. – Энди дарахт ва мармарни тешиб, турли шакл берадиган дастгоҳлар, ҳар битта ўқувчи учун алоҳида ускуна жамланма қутиси, коржома, кўзойнак ва анжомлар сақланадиган жавонлар бор.

**Наргис ҲАСАНОВА.**

**СУРАТДА:** Олимжон Қудратов ўқувчиси билан иш жараёнида.

**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**






Эътироф

**Токиода "Сетагая" халқаро фестивали доирасида мамлакатимиз маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Анъанавий миллий либослар ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари билан безанган Ўзбекистон бўлмаси халқаро тадбирнинг кўпгина иштирокчи ва меҳмонларида, жумладан, шаҳар маъмурияти ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, Японияning йирик сайёҳлик компанияларининг вакилларида катта қизиқиш уйғотди.**

## ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тақдимот доирасида Ўзбекистоннинг маданий мероси ва бой сайёҳлик салоҳияти билан бирга мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда эришган муваффақиятлари, шу жумладан, "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ижроси юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Маросим якунлари юзасидан "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири тадбир иштирокчилари билан суҳбатлашди.

**Кеко НАКАЯМА, Япония парламенти юқори палатаси депутати, Японияning Ўзбекистондаги собиқ элчиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси:**

– Ўзбекистон ва Японияни узоқ ўтмишга бориб тақаладиган – Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврдаги тарихий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари, шунингдек, икки халқ менталитетидаги муштаракликлар боғлаб туради.

Ўзбекистон шу кунга қадар мустақил ривожланиш йўлини муваффақият билан босиб ўтаётгани изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасидир. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси эса икки томонлама стратегик шерикликни ҳар томонлама чуқурлаштиришга замин бўлмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатларимизаро ҳамкорлик янги тарихий босқичга ўтмоқда, шу жумладан, маданий-гуманитар йўналишда ҳам. Мамлакатимиз маданияти ва анъаналари билан таништириш учун япон жамоатчилик вакилларининг Тошкент, Самарқанд ва Бухорога сафарини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, Ўзбекистонда 2014 йил "Соғлом бола йили", деб эълон қилингани мамлакатда болалар саломатлигини муҳофаза этиш ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлод тарбиясига улкан эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

**Ясуо КОГУЧИ, Тарих тадқиқотлари институти профессори:**

– Ўзбекистон – тарихнинг турли даврларига оид ноёб меъморий ёдгорликларга, ранг-баранг санъат ва ҳунармандчиликка, бой халқ фольклорига эга бўлган дунёнинг кўҳна маданият ўчоқларидан биридир. Бу гўзал мамлакатда тарихий мерос авайлаб-асралади.

Бугун бўлиб ўтган тақдимот япон фуқароларига Ўзбекистон тарихи, маданияти ва сайёҳлик салоҳияти тўғрисидаги энг муҳим маълумотлар билан яқиндан танишиш имконини берди. Бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

**"Жаҳон" АА. Токио.**

Семинар-тренинг

**Вилоят ҳокимлигида "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти мониторинги ҳамда маҳаллий Кенгашлар сайловига оид қонунчилик" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**Семинарни вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**

## ДЕПУТАТЛАРГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда Ражабова республика Президентининг "Амалга ошираётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" маърузаси ҳамда Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқининг моҳияти ҳақида маъруза қилди.



Шунингдек, семинар иштирокчилари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти мониторинги натижалари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик асослари, кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўз ваколатларини амалга оширишга оид фаолияти ҳақидаги маърузаларни ҳам тинглашди.

Семинар-тренингда Олий Мажлис Сенати аъзолари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси вакиллари, республика сиёсий партияларининг вилоят кенгашлари аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Баликчилик

## ҚИЗИҚИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС

Тадбиркорлар учун яратилаётган имконияту имтиёзлар туфайли баликчилик билан шуғулланишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Бекобод туманида кейинги 3-4 йил ичида баликчиликка ихтисослашган 26 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларга қарийб 410 гектар кўл ҳавзалари бириктирилди.

2011 йилда иш бошлаган "Арслонқул Назаров" фермер хўжалигига 13,6 гектар ташландиқ кўл бириктириб берилган эди. Мирзакарим Назаров бу соҳага қизиқиши туфайли баъзи баликчилик хўжаликларида бўлиб, тажрибаларини ўрганди. Балиқларни боқиш, ҳимоялаш, сув ҳавзасини сақлаш технологиялари билан чуқур танишди. Ўрганганларини оқилона қўллаб, иккинчи йилиёқ етиштирилган балиқларни сотишни бошлади.

2013 йил натижасидан фермернинг кўнгли тўлди. Савдо шахобчаларига 17 минг 380 килограмм балиқ етказиб берилиб, 38 миллион сўмдан ортиқ даромад олишга эришилди.

Тумандаги "Ҳамдам-Ҳумоюн", "Толиббой-Сино", "Зарнигор-Шоҳруҳ файз", "Қозонкўл агро файз" каби баликчилик хўжаликлари ҳақида ҳам шундай илиқ гаплар айтиш мумкин. Аммо 26 та баликчилик фермер хўжалигининг ҳаммасида ҳам маҳсулот етиштириш талаб даражасида деб бўлмайди. Балиқларни парваришлаш технологиясини билмаслик, боқув жараёнларидаги эътиборсизликлар туфайли чавоқлар яхши ривожланмаяпти ёки кўпи нобуд бўлмоқда.

Бизнингча, соҳа мутахассислари, тажрибали баликчилар иштирокида ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу вазифани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермер хўжаликлари кенгашлари ўз зиммасига олиб, мувофиқлаштириб бориши зарур, деб ўйлаймиз.

**Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Қуйи Чирчиқ туманидаги Кетмонтепа қишлоғи "Хўжа" маҳалласида Соғлом бола йили муносабати билан спортнинг кураш, тош кўтариш, арқон тортиш ва футбол турлари бўйича мусобақа ўтказилди.**

## МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БЕЛЛАШДИЛАР

Ғолиблар ташкилотчи ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Маҳаллада "Ёш футболчилар" ҳамда "Курашчилар" клублари ташкил этилган, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Латиф Валиев. – Бундан ташқари, стол тенниси билан шуғулланиш учун ҳам шароитлар етарли. Энди волейбол турини ривожлантириш учун замин яратаяпмиз.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

«Баркамол авлод – 2014»

## ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!



**Бу йил касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига Наманган вилояти мезбонлик қилади. Куни кеча вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов мусобақаларнинг саралаш босқичларида ғолиб бўлиб, республикага йўлланмани қўлга киритган футболчилар билан учрашиб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширди.**

Шунингдек, учрашувда яқинда комбат айкидо бўйича Таиландда ўтказилган Жаҳон чемпионатида совринли ўринларни қўлга киритган спортчилар ҳам тақдирланди. Бахтиёр Маликов, Мирҳосил Йўлдошбоев, Муҳамадали Имомов, Турсуной Раҳимованинг муваффақиятлари алоҳида эътироф этилди.

– "Баркамол авлод" янгича дунёқараш ва тафаккурга эга, катта ҳаёт бўсағасида турган балоғат ёшидаги ўғил-қизларнинг ўзига хос ёшлик, гўзаллик, бирдамлик байрамидир, – дейди мураббий Даврон Ҳолиқов. – Бугун уч босқичли спорт беллашувларида тобланиб, тажриба ва маҳоратини оширган ёшларимиз келгусида халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар бўлиб етишади.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдидан

## ҚАРИЯЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

**Туманимизда 13 минг 295 нафар нуроний истиқомат қилади. Уларнинг 5 нафари юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар, қолганлари туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийларидир.**

"Нуроний" жамғармаси туман бўлинмаси давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Қарияларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, байрамларда уларни йўқлаш, моддий ёрдам кўрсатиш доимий диққат марказимизда.

2013 йилда 140 фахрий сиҳатгоҳларда соғлиғини мустаҳкамлаб қайтган бўлса, бу йилнинг уч ойида 50 нуронийга шундай имконият берилди. Кейинги бир йил ичида 7 қария ногиронлар аравачаси билан таъминланди. 250 дан зиёд нуронийлар Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарлар ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини саёҳат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, ёрдамга муҳтож кексалар туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ҳимматидан баҳрамандлар. Ўтган йили 130 қарияга 3 миллион 100 минг сўмлик дори-дармон бепул берилди, 80 фахрийга 2 миллион 950 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Туманимизда ўзгалар парваришига муҳтож 30 ёлғиз кексалар истиқомат қилади. Уларга шафқат ҳамширалари бириктирилган бўлса-да, маҳалла фаоллари кексалар ҳолидан мунтазам хабар олиб туради. Шу билан бирга "Камолот" ЁИҲ ўтказаётган "Эҳтиром" тадбири орқали коллеж ва мактаб ўқувчилари уй-рўзғор ва томорқа юмушларида уларга ёрдам кўрсатишяпти.

Бундай ғамхўрлик ва эътиборга жавобан қарияларимизнинг ҳар бири биттадан мевали дарахт экиш ва уни парвариш қилиш ташаббуси билан чиқдилар. Келгусида мева берадиган ушбу дарахтлар нуронийларимиз шу пайтгача яратган боғларга янада кўркамлик ва файз бахш этиши шубҳасиз.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг муҳтарам Президентимиз томонидан моддий рағбатлантирилиши уларга бўлган юксак эҳтиромнинг намунасидир. Фахрийларимиз бу мукофотни қабул қилар эканлар, жанг майдонларида ва урушдан кейинги даврларда ҳалок бўлган ўз сафдошларини ҳурмат билан ёдга оладилар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли фахрийларимиз эъзоз топмоқда, хуррамлик билан кексалик гаштини сурмоқда.

**Эргаш РЎЗИБОЕВ, "Нуроний" жамғармаси Бекобод тумани бўлинмаси раиси.**

Депутат ва ҳаёт

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – КАТТА МАСЪУЛИЯТ

**Шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда халқ юксак ишонч билдириб сайлаган депутатлар зиммасидаги масъулият ҳам икки ҳисса ортиши табиий. Зеро, депутат учун ҳар лаҳза ғанимат бўлмоғи лозим.**

"Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши депутати, Зангиота тумани Қизғалдоқ қишлоғи Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Мирзаҳакимов ҳам депутат, ҳам маҳалла оқсоқоли сифатида "Тошкент ҳақиқати" мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Депутат зиммасига фуқароларнинг муаммоларини ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш вазифаси юкланган. Мен ҳам баҳоли қудрат зиммамдаги масъулиятни тўғри англаган ҳолда бажаришга ҳаракат қилаяпман. 2013 йилда маҳалланинг Б. Ойметов кўчасига асфальт ётқизилди, Рихситиллаев, Нуритдинов ва Ғиёсхўжаев кўчаларида 1800 метр канализация тармоғи ишга туширилди.

2013 йилда "Энг намунали маҳалла" кўрик-танловининг вилоят босқичида 3-ўрин соҳиби бўлдик. Қувонарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фонди эълон қилган грант лойиҳасида ғолиб чиқиб, 14 миллион сўмга эга бўлдик. Бу маблағни туманимиздаги касб-ҳунар коллежини тугатиб, иш билан банд бўлмаган ёшлар учун "Ёш тадбиркорлар" мактабини очишга сарфладик. Ҳозир 12 нафар ёшлар ушбу мактабда таҳсил олишмоқда. 25 май куни улар ўқишни тугатиб, тегишли сертификат олишади, банкларда ҳисоб рақами очишади ва бизнес-режалари асосида тадбиркорлик фаолиятларини бошлашади.

56-мактабда ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш, ўқувчиларнинг фанлар бўйича умумий ва махсус тайёргарлигини ошириш ҳамда истиқболда халқ хўжалиги, фан, маданият ва бошқа соҳалар учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, маҳалламизда истиқомат қилувчи 8- ва 9-синфларнинг аълочи ўқувчилари Зоирхон Жалилов номидаги махсус стипендия билан тақдирланади. 2013 йилда ушбу хайрли тажрибамизни қўшни А. Навоий ва "Оқибат" маҳаллалари ўқувчиларига ҳам татбиқ этдик.

Депутат сифатида "Саломатлик", "Таълим ва тарбия", "Жиноятчилик профилактикаси", "Оилага кириш" секторларининг ишларини назорат қиламан. Бу йил маҳаллада замонавий мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Кексаю ёшларни жалб этиб, ҳашар йўли билан маҳалла боғини барпо қилдик.

2014 йилда туман ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ, "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши билан ҳамкорликда Комилжон Ғафуров кўчаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминладик. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига ёдгорлик ўрнатдик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 49 оила ҳамда ёлғиз кексалар озиқ-овқат ва бошқа кундалик маҳсулотлар билан таъминланмоқда.

**Наргис ҲАСАНОВА ёзиб олди.**

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР ИЗЧИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Вилоят нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоат фонди грант танловидаги иштироки йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди 2013 йил давомида 7 та грант танлови эълон қилиб, унга вилоятдаги 38 ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳалар тақдим этди. 150 миллион сўмликка яқин 11 та лойиҳа молиялаштирилди.**

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги ННТларнинг Жамоат фонди эълон қилаётган грант танловларидаги иштироки 2013 йилга келиб, ўтган даврга нисбатан 45 фоиз ошди. Ушбу лойиҳалар давлатнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги мустаҳкам ижтимоий шериклик, жойларда янги иш ўринлари яратишга, қишлоқ аҳолисини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Улар кичик ва оилавий бизнесга, хусусий тадбиркорликнинг турли шаклларига, ижтимоий-маиший хизмат ва сервис соҳаларига фаол жалб этилмоқда.

Амалга оширилаётган шу лойиҳалар доирасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини янада кенгайтириш, жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларини ҳал этиш, туманларнинг олис маҳаллалари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш ва бошқа қатор вазифаларни бажаришда фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, мустақил ОАВларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, журналистларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган лойиҳаларни мунтазам молиявий қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, 2013 йилда "Оҳангарон ҳаёти" ҳамда "Олмалиқ ҳақиқати" газеталари Жамоат фонди эълон қилган грант танловлари ғолиби бўлишди.

Лойиҳа доирасида ҳамкор ташкилотларни жалб этиб, ёшлар маънавиятини бойитиш, билим ва тафаккурини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинг ва бошқа тадбирлар ташкил этиб борилди.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг бардавомлигини сақлаган ҳолда бу йил ижтимоий аҳамиятга эга йўналишлар бўйича давлат грантларини олиш учун Жамоат фонди 5 та танлов ташкил этишни режалаштирмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг энг муҳим вазифаларини амалга оширишда ННТ ва давлат тузилмаларининг ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган грант танловлари ўтказилиб, лойиҳалар молиялаштирилди. Соғлом бола ва ўсмирларни вояга етказишда таълим ҳамда спортнинг ролини кучайтириш, ёшларнинг илмий-техникавий, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш учун маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда қулай шароитлар яратишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлари лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жойлардаги давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, тадбиркорлик ҳамда турли ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, маънан ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатишга қаратилган лойиҳалари қўллаб-қувватланади.

Хулоса ўрнида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим ўрин тутаётгани, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганини таъкидлаш жоиз.

**И. ДОСТОНОВ,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси.**
**О. ТОШХЎЖАЕВ,**
**катта мутахассис.**

Тадбир

# МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

**"Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдаги бош вазифа" мавзуида семинар ўтказилди.**

Тадбир иштирокчилари суд-ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солувчи, халқаро талабларга жавоб берувчи қонунчилик базасини шакллантириш ва такомиллаштириш босқичлари ҳақида тўхталишди. Жумладан, сўнгги етти йил давомида 60 дан зиёд тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Босқичма-босқич янгиланишлар жараёнида судлар ихтисослашди, кассация институти ислоҳ қилинди, ишларни апелляцион тартибда қайта кўриб чиқиш такомиллашди, ярашув институти жорий этилди, суд юритувининг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди.

– Аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш давр талаби, – деди Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбари Акмал Саидов. – ОАВ ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларидан янада самарали фойдаланиши, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшиши лозим.

Семинар якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**



# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

**Вилоят адлия бошқармасида "Тошкент вилоятида хорижий инвесторларга яратилган инвестицион муҳит, амалиёт ва муаммолар" мавзуида семинар ташкил этилди.**

Адлия вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, банк, солиқ, божхона, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган машғулотда, вилоятимиздаги қўшма корхоналар фаолияти, яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар, эркин фаолият юритишларига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар тўғрисида маърузалар тингланди.

Таъкидландики, шу йилнинг биринчи чорагида 12 миллион долларлик 9 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилиб, 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Адлия органларида хорижий инвесторларнинг мурожаатлари тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Хусусан, бошқарма шу йилнинг биринчи чораги давомида хорижий корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга 1 миллиард 100 миллион сўмлик даъво аризалари киритган.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва преференциялар бериш, қонунларни бузган ҳолларда жавобгарликка тортиш каби масалалар тўғрисида республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармон ва қарорлари ҳамда "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниб, улар муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Азамат АҲМЕДОВ (сурат),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

# ШАҲАРЧАДА САВДО МАЖМУАСИ

**Зангиота туманидаги Келес шаҳарчаси "Қирариқ" маҳалласида тадбиркор Шокир Ҳошимов савдо мажмуасини ишга туширди.**



Бу ерда озиқ-овқат, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилди. Нон ва нон маҳсулотлари ҳам узлуксиз етказиб берилмоқда. Айниқса, янги дорихона иш бошлаганидан аҳоли мамнун.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Кўрик-танлов

**Чирчиқ шаҳрида вилоят умумтаълим мактабларининг "Ёш қутқарувчи" кўнгиллилар клублари иштирокида уюштирилган мусобақада ўқувчи-ёшларнинг назарий билим ва амалий кўникмалари яна бир бор синовдан ўтказилди.**

# «АЛПОМИШ» РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ



Вилоят фавқулодда вазиятлар ва халқ таълими бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қизил Ярим ой жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада шаҳар ва туманларнинг 10 та мактаб жамоаси иштирок этди.

Барча шарт талабларини эпчиллик ва зукколик билан бажарган Чирчиқ шаҳридаги 13-мактабнинг "Алпомиш" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Бўстонлиқдаги 1-мактабнинг "Яшил лола" жамоаси иккинчи, Ангрендаги 17-мактабнинг "Ишонч" жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, "Ғалабага ишончи учун" номинациясига Чирчиқнинг 10-мактаб жамоаси, "Энг яхши ҳамшира" номинациясига Олмалиқдаги 18-мактаб ўқувчиси Ситора Отабекова ҳамда "Энг яхши қутқарувчи" номинациясига Чирчиқнинг 10-мактаб ўқувчиси Жавлон Абдуқодиров муносиб топилди. Тадбир якунида ғолиб жамоалар ва энг фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ҲАР ИШДА ҚОНУН УСТУВОР БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

**Ҳар бир жамиятда қонунлар унинг таянч устунлари саналади. Чунки жамият ривожи аввало ушбу қонунларнинг устуворлигига ҳамда мустаҳкамлигига боғлиқдир. Қонун устувор жойда эса тараққиёт, фаровонлик изчил бўлади. Шу мақсадда, юртимизда ҳар қандай масаланинг ечими қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар асосида адолатли ҳал этилмоқда.**

Албатта, ҳар бир соҳада ишнинг муваффақияти биринчи галда ижро масъулиятига бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимиз прокуратура органлари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Хусусан, бўлимимиз судларда фуқаролик ишларини кўришда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида, суд тизимининг барча босқичларида прокурорнинг иштирок этиши, суднинг қонунга хилоф қарорларига нисбатан белгиланган тартибда протест киритиб, суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига ҳисса қўшмоқда.

Зиммамиздаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бу йил судларда кўрилган битимлар билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундириш борасидаги суд амалиёти ҳамда мазкур тоифадаги ишларни кўришда прокурор ваколатининг самараси ўрганилди. Таҳлилларга кўра, 2013 йил давомида вилоят бўйича жами 22421 та фуқаролик иши кўрилган бўлиб, шундан 1252 таси битимлар билан боғлиқ бўлган фуқаролик ишларидир. Битимга доир фуқаролик ишларидан 685 таси қаноатлантирилган, 99 таси рад этилган, 146 таси тугатилган ва 322 таси кўрмай, қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарорининг 2-банди 2-қисми талабига кўра, давлат божи ва бошқа мажбурий тўловлар қаторида давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари шартлиги кўрсатилган. Шунингдек, мазкур Пленум қарорининг 5-бандига кўра, судга мулкий низо бўйича даъво баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган даъво аризаси берилганда, давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган ставка ва тартибда чет эл валютасида ундирилади, деб кўрсатилган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"нинг 1-бўлим "а" кичик бандига кўра, судларга бериладиган даъво аризалардан даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 802 бараваридан кўп бўлганда, даъво баҳосининг 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган. Аммо ўрганилаётган айрим шу каби ишлар билан боғлиқ фуқаролик ишларида низоли хонадоннинг олди-сотди битимида кўрсатилган пул миқдори сўм ёки чет эл валютасида кўрсатилган бўлса-да, низоли хонадоннинг ҳақиқий қийматини аниқламай, давлат божини нотўғри ундириш ҳолларига йўл қўйилаётгани аниқланмоқда. Хусусан, бу каби ҳолатга даъвогар Ш. Давроновнинг жавобгар Л. Элтоевга нисбатан низоли хонадон юзасидан тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Даъвогар Ш. Давронов ўз аризасида низоли хонадонни жавобгар билан ўзаро хонаки олди-сотди битимга кўра келишилган бўлса-да, мазкур битим қаерда тузилгани, томонлар нима сабабдан ўша вақтда ушбу битимни тасдиқлаш учун нотариал идорага мурожаат этмагани, даъвогар судга мурожаат қилгунига қадар низоли хонадонда кимлар яшагани аниқланмаган. Бу хусусда маҳалла фуқаролар йиғини ва туман ИИБ паспорт бўлинмасидан ҳам тегишли маълумотлар олинмаган.

Бундан ташқари, ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида суд томонидан тарафларнинг қўшнилари ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ҳамда низоли хонадонда доимий рўйхатда турувчи шахслар сўроқ қилинмаган.

Даъвогар Ш. Давроновнинг доимий яшаб турган жойи ва пропискаси Хоразм вилояти Корешин қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлса-да, ишни судда кўриш давомида бунга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Судда иш учун аҳамиятга эга бўлган низоли уйни олди-сотди битими бўйича ёзилган тилхатнинг асл нусхаси бор ёки йўқлиги, ундаги имзолар тарафларга тегишли экани суд-хатшунослик экспертизаси ўтказиш йўли билан ойдинлаштирилмаган. Шу билан бирга, суд даъвогар Ш. Давроновнинг арз қилаётган 6700 АҚШ доллари миқдоридаги пул суммасидан келиб чиқиб, давлат божи республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат божи ставкалари ва тартибига мувофиқ тарзда чет эл валютасида ундирилиши лозим бўлса-да, даъвогардан 463 минг 412 сўм ундириб, хатоликка йўл қўйган.

Мазкур фуқаролик иши бўйича суд қарорини қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилди. Протест вилоят суди томонидан қаноатлантирилиб, суд қонуний қарор қабул қилишига эришилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар энг аввало шу юрт ҳамда унинг фуқаролари фаровонлигини таъминлашга қаратилгани, у изчил ва қатъий йўлдан бораётганини ишонч билан айта оламиз. Буни бугунги ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Аммо шу билан бирга ҳар биримизда қонунбузилишларга муросасизлик ҳамда қонунларга ҳурмат ҳисси алоҳида ўрин тутиши керак.

**Муҳайё АШУРОВА,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**

# ОҚИЛА ВА ТАДБИРКОР ҚИЗЛАР

**"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори доирасида Юқори Чирчиқ туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Оқила ва тадбиркор қиз – она Ватан ишончи" мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**



Унда "Микрокредитбанк", "Агробанк", "Халқ банки" ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, тадбиркорликни рўйхатга олиш бўлими, ахборот-ресурс маркази, "Ҳунарманд" уюшмаси масъул ходимлари иштирок этди.

– Бу йил туманимиз коллежларини 637 нафар қиз битиради, – дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Миртурсунова. – Аксарият битирувчиларнинг иш жойи тайин. 195 нафари олий ўқув юртларига кириш, 31 қиз эса тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида. Улар тикувчилик, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, савдо-сотиқ, маиший хизмат каби йўналишларда тадбиркорликни йўлга қўйишмоқчи.

Семинар-тренингда ёш тадбиркорларга зарур тавсиялар берилди ва бизнес-лойиҳа тузиш тартиб-қоидалари ўргатилди.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Мутахассис маслаҳат беради

# ОИТС БЕДАВО ДАРДЛИГИНИ БИЛАМИЗ, АММО...

**Ўтган асрнинг 80-йилларида саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда турмуш тарзининг аҳамияти беқиёс эканлиги ҳам илмий, ҳам амалий тарзда исботланди. Бутун дунёда, айниқса, ривожланган давлатларда асосий эътибор касалликларни даволаш эмас, балки соғлом турмуш тарзига, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва умрини узайтириш, ҳаётдан завқланиб яшаш тадбирларини тарғиб қилишга эътибор берила бошланди.**

Шахсан Президентимиз ташаббуслари билан XXI асрнинг бошларидан Ўзбекистонда ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бирламчи вазифа қилиб белгиланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг саломатлиги аввалимбор ўзига, турмуш тарзига боғлиқлигини ҳаммамиз яхши биламиз, аммо, унга риоя этишга келганда, кўпчилигимиз лоқайдлик қиламиз. Меъёридан кўп ёки аксинча, кам овқатлансак, ҳаракат қилиш тартибига риоя этмасак, чекиш, ичиш, гиёҳвандлик каби зарарли одатларга берилсак, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмай, руҳий ҳолатимизга эътибор бермасак, булар аста-секин турли аъзоларимизни емириб, кучсизлантириб боришини билиб туриб, турмуш тарзимизни ўзгартиришни хоҳламаймиз ва охир-оқибат бирор хасталикка чалингандагина ўйлаб қоламиз, афсус-надоматлар чекамиз.

Азизбек юртимиздаги олий ўқув юртларидан бирида таҳсил оларди. Унинг ёшлигидан ҳаётга қизиқиши юқори бўлиб, китоблардан ўрганганларига, соғлом турмуш тарзига интилар эди. Нима бўлди-ю, бир куни қўлига беғараз донорлик ҳақидаги буклет тушиб қолди. Уни ўқиб кўриб, донор бўлишга аҳд қилди. Азизбекнинг қони текширилганда ОИВ инфекцияси борлиги аниқланди. Эпидемиологик суриштирувлар жараёнида ётоқхонадаги ҳамхонаси билан битта тиш чўткаси ҳамда соқол олиш устарасидан фойдаланганини аниқланди ва айнан шу шериги ОИВ инфекциясини юқтиргани маълум бўлди.

Бу воқеадан хулоса қилсак, ОИТС касаллиги нафақат ахлоқий бузуқлик ёки бошқа тартибсизликлар натижасида юқади, балки эътиборсизлик, шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик ва биз кўпда аҳамият бермайдиган бошқа сабаблар ҳам кишини ушбу хасталик гирдобига ташлаши мумкин экан.

ОИТС қандай хасталик эканини бугун билмайдиган одам бўлмаса керак. Аммо, баъзи нарсаларни эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Касалликнинг дастлабки босқичи ОИВ (одам иммунтанқислиги вируси) инфекцияси деб аталиб, ҳеч қандай белгиларсиз 3-5 йил давом этиши мумкин. Вирус одам иммунитетини тинимсиз емириб бориши натижасида касаллик ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) босқичига ўтади ва охири иммунитетни батамом тугатиб, оғир оқибатларга олиб келади. Касаллик чақирувчи вирус ўта ўзгарувчан бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтгача вакцина ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмай турибди. ОИВ инфекцияси сурункали касаллик, уни бутунлай даволашнинг имкони ҳали топилмаган. Лекин киши танасида вирус кўпайишини тўхтатувчи турли антиретровирус дорилари яратилган бўлиб, улар билан беморларнинг умрини узайтириш, иш фаолиятини тиклаш, ҳаёт тарзини яхшилаш мумкин.

Хўш, касалликка чалинмаслик учун нималарга эътибор бериш лозим?

Аввало, одам ахлоқан пок бўлиши лозим. Қолаверса, тиббий муолажалар вақтида бир марта ишлатиладиган шприц ва ниналардан фойдаланиш, бошқалар ишлатган соқол, тирноқ олиш асбоблари, тиш чўткаси, татуировка, пирсинг игналаридан фойдаланмаслик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби иллатлардан, тасодифий жинсий алоқадан сақланиш, вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб юриш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш нафақат ОИВдан, балки бошқа таносил касалликлар ҳамда вирусли гепатитнинг В, С турлари юқишидан ҳам ҳимоя қилади.

**Р. ЮСУПОВА,**
**вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудири.**
**Ҳ. ЛАТИПОВ,**
**шифокор.**

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

# БАРҲАЁТ МЕРОС

**Угом-Чотқол давлат миллий табиий боғи ва халқаро "Олтин мерос" хайрия фонди вилоят бошқармаси Тошкент воҳаси биосфераси маданиятини асраш ва ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳа қабул қилди. Вилоят ҳокими ва республика "Олтин мерос" фонди ушбу лойиҳани тасдиқлади.**

**Мазкур ҳужжат унинг муаллифлари ва ижрочилари олдига вилоятнинг маданий меросини асрашга оид муҳим вазифалар қўяди. Асосий мерослар эса табиий ва архитектура ёдгорликлари, гўзал табиат, диққатга сазовор объектлар ва муқаддас қадамжолардан иборатдир. Шунингдек, лойиҳа доирасида тоғли қишлоқлар, кекса ўлкашунослар ва табиат жонкуярлари хонадонларида сақланиб қолган бой архивдан тўлиқ фойдаланиш, ушбу яратувчан ижодий саъй-ҳаракатларга ўқитувчиларни, журналист, овчи ва қадимий буюмларни изловчиларни фаол жалб этиш назарда тутилмоқда.**



Катта майдонни эгаллаган Угом-Чотқол давлат миллий табиий боғи маънавий маданият борасида улкан салоҳиятга эга. Биз хизматлари табиат билан уйғун ўнлаб ходимлар ҳар куни яратувчан меҳнат билан жиддий шуғулланаётганларига кўпинча, эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, улар бизнинг ўрмонларимизни, сув ҳавзаларимизни қўриқлашяпти, табиат хазинасини янада бойитишмоқда. Масалан, вилоятимизнинг олис бурчакларидаги ўрмон хўжаликлари ҳудудида ўқ отиш ва автотранспорт воситаларининг сигнал бериши тақиқланган. Бу жиддий ва қатъий тартиб-қоидани жорий этишдан мақсад қўриқхоналардаги жонзотларни ҳуркитиб юбормаслик ва табиатнинг табиий уйғунлигига зарар етказмасликдир. Бу инсонларнинг табиат билан уйғунлашуви, қўриқхона ҳудудида тинчлик ва осойишталикни сақлаш сари қўйилган улкан ва муҳим қадамдир.

Аслида ҳам биз қўриқлашимиз зарур бўлган нарсалар оз эмас. Вилоятимиз ҳудудида 400 дан зиёд маданий мерос объектлари ва муқаддас қадамжолар бор. Ва яна шунча, балки ундан ҳам кўпроқ табиий ёдгорлик, диққатга сазовор объектлар ва мўъжизавий табиат унсурлари мавжуд. Ҳозир барча ёдгорлик ва диққатга сазовор жойларни қайта рўйхатга олиш режалаштирилмоқда.

Биз илгари вилоятимиз кўллари ҳақида кўп ва хўб ҳикоя қилиб бердик. Агар ҳар бир кўл, дарё, сой ва бошқа сир-синоатли манбалар ҳисобга олинса, бу мавзудаги ҳикоялар ҳеч қачон тугамайди. Зеро, кекса кишилар ҳикояси, ушбу ажабтовур манбалар ҳақида ўтмиш воқеалари, қадимги афсона ва ривоятлар садоси бизнинг бугунги ҳаётимизга ҳам ёруғлик ва равшанлик, ўша ҳайратомуз олам сасини олиб киради.

Йиллар ўтаверади, ҳикоянависларнинг хотиралари эса мангу яшайверади. Бизнинг маданий меросимиз мана шу. Зеро, унда халқимиз юраги тинимсиз уриб туради. Ҳар бир ғор, ҳар бир манба ўз тарихига эга бўлиб, уни асраб келади.

Боғистон қишлоғи яқинида, Псков тоғ тизмаларининг жануби-ғарбида "Ғормозор" муқаддас қадамжоси сақланиб қолган. Агар Мозорсой ирмоғи бўйлаб уч чақиримча юрилса, ана шу жойга етилади. Денгиз сатҳидан 1315 метр баландликда бўлган бу муқаддас қадамжо арк шаклига эга. Кириш жойининг баландлиги 1,6 метр. Ғорнинг узунлиги 5,4 метр. Ичкарисининг баландлиги 3,4 метр. Одамлар бу ерга зиёратга тез-тез келиб туришади.

...Замонлар эврилди. Буюк аждодимиз Абдухолиқ Ғиждувоний асос солган "Ҳожагон" сўфийлар жамиятининг еттинчи вакили сўфи Баҳовуддин Нақшбанд фоний дунёни тарк этди. "Нақшбандия" жамиятининг номи Баҳовуддин Нақшбанд исмшарифи билан боғлиқлиги бежиз эмас. У: "Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" дея атрофидагиларнинг онгу шуурини ёритди, бойитди.

Буюк устозларнинг боқий дунёга риҳлатидан сўнг кўп йиллар ўтди. Янги устозлар дунёга келиб, халқнинг руҳини кўтаришди, заминни шоншарафга буркашди. Бироқ, ўзаро ички урушлар табаррук кишиларни узоқ ўлкалардаги тоғлардан паноҳ излашга мажбур этди. Зарафшон водийси томонлардан бу ерларга оппоқ соч-соқолли кексалар кела бошлашди. Гарчи уларнинг ёши саксондан ошган бўлса-да, кўзлари чақноқ, баланд бўйли ва барваста эдилар. Уларнинг ташрифи бежиз эмасди. Бу ерда уларни мудом чорлаб турган ёруғлик – буюк Шайх Умар Валийнинг сиймоси бор эди. Шайх кунларнинг бирида ўғли Шайх Хованди Тоҳурга шундай деди: "Тоҳур, мулла бўлма, сўфий бўлма, тақводор бўл".

Буюк устозлар қалбидан таралган тақводорлик ва холис хизмат нурлари кўпдан-кўп одамлар қалбининг энг қоронғи бурчагигача ёритди, нурафшон этди. Ва одамлар ўзлари учун янги – яқинларга ва она табиатга меҳр-муҳаббат оламини кашф этишди. Бу янги олам зўравонлик ва шафқатсизликлардан ҳоли эди.

Ўша табаррук зотларнинг Псков тоғ тизмалари бағридаги қабрлари йўқ бўлиб кетди. Аммо дарё ва кўлларнинг тиниқ сувларида, дов-дарахтларнинг яшил рангида ва энг муҳими, одамларнинг қалбида ҳам уларнинг рамзи қолди. Негаки, Псков, Боғистон, Нанай, Бурчмулла ва бошқа қишлоқлар аҳли табиат билан уйғунликда муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаб яшашади. "Ғормозор" ана шундай муқаддас объектлардан бири. Яна кўплаб шундай жойлар борки, улар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бериш ниятидамиз.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия фонди вилоят бошқармаси бошлиғи.**

## ЭЪЛОНЛАР


**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан, 2004 йил 23 апрелдаги 7109-16/24-сонли ариза (бюртманома)га асосан, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эшонгузар ҚФЙ, Гулираъно кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган: умумий фойдали майдони 201,1 кв.м. бўлган тураржой биноси савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 185 000 000 сўм.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан, 2014 йил 18 октябрдаги Тошкент вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан, Янгийўл тумани, Ниёзбоши кўчаси 27-уй манзилида жойлашган: таъмирталаб, 942,35 бўлган, 0001 литер – таъмирлаш цехи биноси савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан, 2014 йил 18 октябрдаги Тошкент вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан 1. Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, шаҳар бозори ҳудудида жойлашган: бошланғич баҳоси – 39 000 000 сўм, умумий майдони 21,74 кв.м., фойдали майдони 21,74 кв.м. бўлган дўкон бино-иншоотлари; 2. Янгийўл тумани, Охунбобоев кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган: бошланғич баҳоси – 36 000 000 сўм, умумий майдони 76,23 кв.м., фойдали майдони 62,25 кв.м. бўлган дўкон бино-иншоотлари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 27 май куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 307373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

**"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Бўка т. СИБ томонидан 11.11.2013 й. № 01-420-сонли и.ҳ.га асосан "Ваз2102" д.р. 10Q168НА. Бошланғич баҳоси – 2844295 сўм. 2. Бўка т. СИБ томонидан 03.10.2013 й. № 01-325-13-сонли и.ҳ.га асосан "Ваз2107" д.р. 10D204АА. Бошланғич баҳоси – 10620441 сўм. 3. Бўка т. СИБ томонидан 03.10.2013 й. № 01-325-13-сонли и.ҳ.га асосан "Ваз2106" д.р. 10Р854НА. Бошланғич баҳоси – 9664000 сўм. 4. Бўка т. СИБ томонидан 20.12.2013 й. № 01-481-сонли и.ҳ.га асосан 1996 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10Т313FA. Бошланғич баҳоси – 19525740 сўм. 5. Бўка т. СИБ томонидан 28.05.2008 й. № 2003/4-сонли и.ҳ.га асосан 1993 й. и.ч. "2ПТС4793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 546268 сўм. 6. Бўка т. СИБ томонидан 28.05.2008 й. № 2003/4-сонли и.ҳ.га асосан 1996 й. и.ч. "2ПТС4793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 471749 сўм. 7. Бўка т. СИБ томонидан 28.05.2008 й. № 2003/4-сонли и.ҳ.га асосан 1993 й. и.ч. "Т28х4М" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 5943636 сўм. 8. Бўка т. СИБ томонидан 28.05.2008 й. № 2003/4-сонли и.ҳ.га асосан 1994 й. и.ч. "2ПТС4793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 798912 сўм. Бўка тумани Сарбон корхонаси биносида сақланмоқда. 9. Бўка т. СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли и.ҳ.га асосан 1997 й. и.ч. "Кейс5250" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 37744658 сўм. 10. Бўка т. СИБ томонидан 18.04.2009 й. № 3029/5-сонли и.ҳ.га асосан 1997 й. и.ч. "Т28х4М" д.р. 1907ЕР. Бошланғич баҳоси – 1411295 сўм. Бўка тумани Қодирий кўчаси 3-уй ММТП биносида сақланмоқда. 11. Бўка т. СИБ томонидан 20.04.2010 й. № 2441/2-сонли и.ҳ.га асосан 2001 й. и.ч. "Уаз31512" д.р. 11AJ733. Бошланғич баҳоси – 5497389 сўм. 12. Бўка т. СИБ томонидан 08.06.2009 й. № 3901/4-сонли и.ҳ.га асосан 1974 й. и.ч. "Кавз685" д.р. 11AG524. Бошланғич баҳоси – 2153320 сўм. 13. Бўка т. СИБ томонидан 09.03.2007 й. № 483/1-сонли и.ҳ.га асосан 1986 й. и.ч. "Газ52" д.р. 10864QАА. Бошланғич баҳоси – 3933122 сўм. Бўка тумани ДСИ биносида сақланмоқда. 14. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 18.11.2013 й. № 17586-сонли и.ҳ.га асосан 2009 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 10Х440НА. Бошланғич баҳоси – 34575440 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 12 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 15. Бекобод ш. СИБ томонидан 10.03.2014 й. № 1375-сонли и.ҳ.га асосан 1996 й. и.ч. "Дамас" д.р. 10Q610FA. Бошланғич баҳоси – 10462707 сўм. Бекобод гўшт сут МЧЖ омборида сақланмоқда. 16. Бекобод ш. СИБ томонидан 10.03.2014 й. № 1376-сонли и.ҳ.га асосан 1997 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10Х288АА. Бошланғич баҳоси – 23778546 сўм. Бекобод шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 26 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов хужжатида ижро хужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600274144001, МФО 01103, СТИР 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 2155459. Гувоҳнома № 007558.


**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2014 йил 21 апрелдаги 13-сонли баённомасининг қарори билан:**

**1.** «Қуйи Чирчиқ автотранс» масъулияти чекланган жамияти томонидан "АТ" серияли, 000680 рақамли "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиясининг амал қилиш муддати 2014 йил 16 апрелдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатиб туришга асос бўлган камчиликлар жамият томонидан бартараф қилинганлиги сабабли, 2014 йил 21 апрелдан қайта тикланди.

**2. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:**

**2.1.** «Keles ATS» масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000557 рақамли, Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000603 рақамли, "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000549 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддатлари тугатилди.

**2.2.** «CHINOR TRANS» масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000476 рақамли, Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000477 рақамли, "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000518 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати тугатилди.

**2.3.** «JASUR XOJAT BAROR» хусусий корхонасига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000709 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.


**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан, 2014 йил 13 январдаги № 1-1072-14-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани "БЕКТЕМИР АВТО" МЧЖ ҳудудида сақланаётган: 2007 йилда и/ч., д/рақ: 1569901, бошланғич баҳоси – 146 000 000 сўм бўлган "КЛААС доминатор 130" русумли комбайн савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 27 май куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

Утерянный гос. ордер (дубликат) № 10-02/13438, от 16.03.1993 г., права собственности на квартиру на имя Сирожиддинова Сахобиддина Рамзиддиновича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 2-сонли ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1981 йилда Сологубова (Семаева) Людмила Николаевна номига берилган № 719288 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"TANAFFUS TAOM" (ИНН 302463554) хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади ҳамда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"GRAND ELECTRONICS" МЧЖнинг устав жамғармаси 6 000 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "ALMAZ DIAMOND" извещает об уменьшении уставного фонда на 90 000 000 (девяносто миллионов) сум (протокол собрания учредителей № 2 от 21.04.2014 г.).

ООО "NEFT MAHSULOT SERVIS" (ИНН 207105055), зарегистрированное ИРСП Мирабадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 577 484 000 сум до 20 000 000 сум. Претензии принимаются по телефону: 235-83-92.

ООО "MEDICAL ELECTRONICS" (ИНН 207145949, ОКПО 24014573), зарегистрированное ИРСП Алмазарского района г. Ташкента (гувохнома № 005764-05 от 20.03.2012 г.), расположенное по адресу: ул. 1-Кара-Камыш, д. 2-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол учредителей № 1 от 22.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "SHOXRUX-BEK OSHIYONI" (ИНН 302526514, ОКОНХ 71300, ОКПО 24302473), зарегистрированное ИРСП Алмазарского района г. Ташкента (гувохнома № 006441-05 от 05.03.2013 г.), расположенное по адресу: ул. Карадарё, д. 6, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решения № 4 от 22.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Олмазор филиалига тегишли Абдусатторов Абдурашид номига берилган ТХ-1Ш № 1131573, 1131574, 1131575, 1201850 сонли патталар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные документы: гувохнома № 007375-05 от 14.04.2014 г. выданную хокимиятом Алмазарского района г. Ташкента, круглая печать, устав и учредительный договор на ООО "OLYMPIC SPORT SERVICE", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЬНЫМИ.**

ООО "MEGAPOLIS FOOD" (ИНН 302154431), зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкента, ул. Бобура, дом 81, корпус 5, кв. 25, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 01.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 9-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2001-2002 ўқув йилида Нурбаев Ихтиёр Дилмуратович номига берилган O'R-Z № 1401374 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 06.12.2013 йилда № 001399-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KICHIK TARAQQIYOT BIZNES" (ИНН 302764464) МЧЖнинг устав жамғармаси 68 526 000 сўмдан 64 526 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 580-64-19 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BETHVIL-TECHTRANC" МЧЖнинг устав жамғармаси 1 272 500 000 сўмдан 337 500 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 363-43-73.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 04.02.2010 йилда гувоҳнома рақами № 003544 билан рўйхатга олинган "RADIUS GROUP" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное разрешение № 7050, выданное Агентсвом по вопросам внешней трудовой миграции на ООО "SHARMED-TEKS", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЬНЫМ**.

ООО "PASIFIC PLAST" (ИНН 302702951), зарегистрированное ИРСП хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-Г, 9-А, дом 14, кв. 54, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 1 от 23.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 808-76-33.

ООО "DEMO PHARM BUSINESS" (ИНН 302853678), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за реестр № 007367-09 от 04.03.2014 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. С. Дарбоза, проезд Курилиш, дом 1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей № 2 от 31.03.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 245-05-35.

ООО "DESK TOP BIZNES" (ИНН 206939925), зарегистрированное ИРСП Юнусабадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 437 171 750 сум до 437 171 750 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. А. Темура, дом 95-А.

СП ООО "TASHTIB TEX" (ИНН 300348475, ОКОНХ 17116), зарегистрированное Министерством Юстиции РУз за реестр № 703 от 16.07.2007 г., находящееся в г. Ташкенте сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 503 608.08 долларов США до 2 025 036. 08 долларов США. Телефон: (+99891) 191-91-41.


Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи в.в.б. С. Бобоқуловга падари бузруквори

**СУЮН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери ва вилоят фтизиатрлар кенгаши, Республика бош фтизиопедиатри Фарида Абсодиқовага турмуш ўртоғи

**Абдуқодир АБСОДИҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кўргазма



# ТАБИАТ ОШИҒИ

**Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Чингиз Ахмаровни "устозим" дея фахрланувчи шогирдлари кўп. Лекин, вилоятимиздан чиққан моҳир рассом, бадиий тасвир устаси Бахтиёр Обидовнинг устозига бўлган ихлоси, ҳайрат ва ҳаваси ижодига баракали таъсир кўрсатди.**

У П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртини тугатгач, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида "Маҳобатли рангтасвир" йўналишида таҳсил олди. Диплом иши учун устози Чингиз Ахмаров портретини чизиб, институт ўқитувчилари эътиборини қозонди.

Бахтиёр Обидовнинг "Ўрик гуллаганда", "Мақом", "Каштадўзлар қўшиғи", "Баҳор ифори" ҳамда "Келинсаломлар" номли туркум асарлари Туркия, Исроил, Миср, Россия, Болтиқбўйи давлатларидаги кўргазмаларда эътироф этилди. Иқтидорли рассомнинг интилиш, изланишлари, устози Акмал Нурдан ўрганганлари зое кетмади. У Президентимизнинг "Истеъдод" жамғармаси совринига муносиб кўрилди.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# САНЪАТ БАЙРАМИ

**21-25 апрель кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар зали ҳамда унинг атрофидаги кўча ва майдонларда, Халқаро маданият карвонсаройида, Камолиддин Беҳзод боғ-музейида, Тошкент фотосуратлар уйида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда анъанавий "Тасвирий санъат фестивали" бўлиб ўтди.**

Ҳафталик давомида тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида яратилган асарлар, миллий либослар, телемониторларда эса Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланган фильмлар намойиш этилди. Фестиваль доирасида таниқли ижодкорлар билан бир қаторда ўқув юртлари талабалари ҳамда иқтидорли ёш рассомларнинг ишлари ҳам намойиш этилди.

Ангренлик Тамила Тангирова бу йил республика дизайн коллежини битиради. Келажакда замон талабларига жавоб берадиган тураржойлар қурилишига ўз ҳиссасини қўшмоқчи. У фестивалда иштирок этиб, шу ернинг ўзида замонавий уй-жойлар тасвирини қоғозга туширди.

Экспозицияга рассомларнинг турли вилоятларнинг табиат манзаралари, турмуш тарзимиз қирралари тасвирланган кўплаб асарлари қўйилди. Айниқса, "Сижжакда ёз" (рассом Ф. Гамбарова), "Сўқоқ кўчаси" (А. Қосимов), "Хумсон. Қиш" (В. Енин), "Тонг. Хумсон" (Э. Аралов), "Хумсонда ёз" (Ҳ. Султонов) каби асарлар мухлислар эътиборини тортди.

Ҳафталик якунида фаол иштирокчиларга "Тасвирий санъат фестивали"нинг медаллари, соврин ва дипломлари топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Одамийлик шеваси

# КУЛИБ ЯШАШ БАХТИ

Касбим тақозоси билан бир йиғилишда иштирок этгандим. Ҳиссадорлик жамиятига янги раҳбар сайланаётганди. Номзодлардан бири минбарга чиқиб, лойиҳасини баён эта бошлади. Шу пайт атрофдан киши кўнглини хира қиладиган илмоқли саволлар эшитилди. Ҳатто кимлардир ҳуштакбозлик ҳам қилишди. Номзод нима қиларини билмай, гангиб қолди.

Шу пайт ёнимдаги киши қулоғимга шипшиди:

– Буларнинг қилаётган ишларини қаранг. Раҳбарликка айни мос, истеъдодли номзодни бадном қилиб, сунъий тўсиқ қўйишяпти. Анави ўтирган киши анчадан буён шу лавозимга кўз тикиб юрганди.

Охир-оқибат йиғилиш бошқа кунга қолдирилди. Мажлисдаги "ўйин"ни кузата туриб, бир зоолог олимнинг: "Бўриларга ҳурматим баланд, тўдада қатъий тартиб бор, уни бузган аъзо, албатта, жазоланади" деган сўзлари ёдимга тушди. Йиғилишда ўтирган казо-казолар коса тагида ним коса борлигини яхши билиб туришса-да, "чурқ" этишмасди. Мабодо шу "ўйин"ни уюштирган кимса раҳбар бўлиб қолса борми...

Лекин бахтимизга ҳақ сўзни айтишдан тоймайдиган, кишиларга қўлидан келган ёрдамини аямайдиган инсонлар орамизда кўп.

Яқинда қизиқ бир воқеанинг устидан чиқиб қолдим. Бекатда юпунгина кийинган бир болали аёл эътиборимни тортди. Қаттиқ ташвишдалиги яққол кўриниб турарди. Ёнига яқинлашиб:

– Тинчликми опажон, бирор ёрдам керакми? – деб сўрадим.

Бу эътибордан кўзлари чақнаб кетди:

– Тошкентдаги қариндошимизни кўргани келувдик. Назаримда, йўлдан адашдик, – дея қўлимга бир қоғоз тутқазди.

Симёғочдаги чироқ ёруғида бир амаллаб ўқидим. Бадхатгина қилиб бир манзил ёзилганди. Қарасам, қоғозда кўрсатилган жой Тошкентнинг нариги бурчагида. Аёлга тушунтирдим.

Шу пайт ёшгина аёл суҳбатга қўшилди:

– Кеч бўлганда йўлга чиқиб бекор қилибсиз. Мана бу пулни олинг-да, анави йўл четига ўтиб, такси ёлланг... Лекин пишиқроқ бўлинг, пулни манзилга етганингиздан кейингина беринг. Йўқса, яна адашасиз.

Болали аёл бизга миннатдорчилик билдириб, йўлнинг нариги томонига ўтиб кетди.

– Савоб иш қилдингиз,



синглим, – дедим. – Ҳозир ҳамма ҳам кўчада учраганларга бунақа пул беравермайди.

– Инсон ҳамиша бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши керак. Отамиз бизга шундай тарбия берганлар. Уларнинг ўгитларига амал қилиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Ҳаётимдан хурсандман.

Аёлнинг гапларини тинглар эканман, раҳматли Хайриниса бувимиз билан бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди.

...Авжи ёз чилласи. Бир тўда бола ҳовлида ўйнаётгандик. Шу пайт дарвоза тақиллаб қолди. Одатдагидек, эшикка югурдик. Бувим дарвозани очдилар. Бир мўйсафид қўлини кўксига қўйиб турарди.

Бувим уни сўри остидаги супага ўтқаздилар ва олдига борларини тўкиб, чой қўйдилар. Ҳалиги киши соя-салқинда бироз нафасини ростлагач, егуликлардан тотинган бўлди, чой ичди. Кейин дуо қилиб, ўрнидан турди.

Йўловчи кетгач сўрадим:

– Бувижон, у ким?

– Кўчадан ўтган йўловчи...

Биз ҳайрон, мутлақо нотаниш кишига бундай манзиратни тушунмасдик. Буни сезган бувим кулимсираб:

– Фараз қилинглар, иссиқ кунда кўчада кетаётибсиз. Чанқаб, қорнингиз очган. Бир пиёла чойга махталсиз. Қани болам, ўша кишининг ўрнига ўзингни қўйиб кўр-чи, – дедилар.

Қиссадан ҳисса шуки, барчамиз инсонмиз. Шу туфайли бир-биримизга фақат яхшиликни раво кўриб яшашимиз зарур. Шундагина ҳаммамага кулиб яшаш бахти насиб этади.

**Неъмат РАФИҚОВ.**

Bolalik bog`i

# CHIN DO`ST

Olimjon bilan Odiljon bir sinfda o`qishadi. Hatto bitta ko`chada yashashadi. Ertalab maktabga birga borib, birga qaytishadi. Bu ahil-inoq bolalarga hammaning havasi keladi. Dars tayyorlashmi, futbol o`ynashmi yoki varrak uchirishmi – doim birga bo`lishadi.

Bir kuni ularning ahilligiga ko`z tegib qoldi. Chunki Olimjonning tug`ilgan kunida otasi chiroyli velosiped sovg`a qildi. Odiljonning havasi kelib, bir marta uchib kelishni so`ragandi, o`rtog`i:

– Ho-o, o`zing ham bir kun rangli qalamlaringni bermovding-ku, – deb nari ketdi.

Rostdan ham o`shanda Olimjonning qalamlari esidan chiqib, uyida qolib ketganida Odiljon darsda o`zi ishlatayotgani uchun shunday qilgandi.

– Qizg`anchiq ekansan, – dedi Odiljon velosipedga bir qarab qo`yib. – Tag`in o`rtoq emish.

Shunday qilib ular "pom" chiqishdi.

Kunlar o`tgan sayin Odiljonning rasm chizishga qiziqishi tobora ortar, bolaxonaga chiqib olib, hosilga to`la yam-yashil dalalar, uzumzor va olmazorlar, hatto uzoq-uzoqlarda er haydayotgan traktoru ortidan gala-gala uchayotgan qushlarning rasmlarini chizardi. "Qanday chiroyli, – o`ylardi u tabiat manzaralaridan zavqlanib. – Qishlog`imiz juda go`zal. Katta bo`lsam, ko`p-ko`p rasmlar chizaman".

Bu paytda Olimjon velosipedi qo`ng`irog`ini chalganicha ko`chaning u boshidan bu boshiga uchgani-uchgan edi. Sportchi bo`lib, hammani qoyil qoldiraman, deb o`ylardi u.

Shunday kunlarning birida maktabda yosh rassomlar ko`rik-tanlovi bo`ldi. Odiljon ham chizgan rasmlarini olib bordi.

– Juda o`xshatibsan-ku, – dedi o`qituvchi, rasmlarni birma-bir ko`rgazmaga qo`yarkan. – Sendan katta rassom chiqadi, shekilli.

O`qituvchining ko`zi birdan velosiped uchayotgan bola rasmiga tushdi.

– I-ya, bu Olimjon-ku, – dedi quvonib. – Barakalla, juda o`xshatibsan. – Hoy, Olimjon, buni ko`rgin-a, do`sting seni xuddi chempion bo`lganingdek chizipti-ya. Hamma velosipedchilardan oldinda xursand bo`lib turibsan. Balki sendan rostdan ham chempion chiqar.

Bu gaplarni eshitgan Olimjon o`rtog`i yoniga keldi-da, asta qo`lini uzatdi.

– Meni kechir, kel endi ming yilgacha o`rtoq bo`lamiz, – dedi u.

Odiljon jilmayib, unga qo`l cho`zdi.

**Abdusattor HOTAMOV.**




## ПОКИСТОНДА ЯНА ЙИРИК АВТОҲАЛОКАТ

**Мамлакат жанубидаги Синд вилоятида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси камида 42 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Маълумотларга қараганда, йўловчи автобуси шоссе четида тўхтаб турган юк машинасига катта тезликда келиб урилган.**



Маҳаллий полиция маълумотларида келтирилишича, автоҳалокат чоғида 20 киши жароҳат олган. Айни пайтда фожиа сабаблари ўрганилмоқда. Маълум қилинишича, трассанинг бир томонидаги йўналиш таъмирлаш ишлари учун ёпиб қўйилган эди.

Умуман, Покистонда бундай автоҳалокатлар тез-тез рўй бериб туради. Бунинг асосий сабаблари шундаки, мамлакатнинг йўллари анча хароб, инфратузилмаси талабга жавоб бермайди. Устига-устак ҳайдовчилар кўпинча йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишмайди.

## ЎҒИРЛАНГАН ЖУРНАЛИСТЛАР ОЗОДЛИКДА

**Ўн ой давомида Сурияда тутқунликда бўлган 4 нафар француз журналистлари ниҳоят юртларига қайтишга муваффақ бўлишди.**



Ушбу репортёрларни Туркия билан Сурия чегарасидаги бетараф ҳудудда кўзлари ва қўллари боғланган ҳолда топишди. Уларни ўтган йилнинг июнида исёнчилар билан ҳукумат қўшинлари ўртасидаги қуролли тўқнашувларни ёритаётган пайтларида номаълум гуруҳ вакиллари ўғирлаб кетишганди. Ҳозиргача бирорта радикал террорчи гуруҳ бу воқеани ўз зиммасига олгани йўқ.

Сурия дунё мамлакатлари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун энг хавфли ҳудуд ҳисобланади. Халқаро журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси маълумотларига қараганда, Сурия президенти Башар Асад тарафдорлари бўлган қўшин билан сепаратчилар ўртасида қуролли тўқнашувлар бошлангандан буён 60 дан зиёд журналистлар ўлдирилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 61 журналист ўғирлаб кетилди.

## САМОЛЁТ ПАРЧАСИ БОИНГГА ТЕГИШЛИМИКИН?

**Австралиянинг Перт шаҳрига яқин соҳилларда топилган самолёт қолдиқлари 8 март куни ғойиб бўлган Боинг-777 ҳаво лайнерига тегишли бўлиши мумкин.**

Гап 2,5 метр узунликдаги металл парчаси ҳақида бораяпти. Австралия транспорт хавфсизлиги бошқармаси мутахассислари ушбу топилмани ўрганишга киришдилар.

Ғарбий Австралия фавқулодда хизмат вакиллари таъкидлашмоқдаки, топилма айнан йўқолган самолётга тегишли, дейиш учун ҳали эрта. Бироқ, шун-



дай дейиш учун асослар ҳам йўқ эмас.

Айни пайтда Хитой, АҚШ, Таиланд, Индонезия, Вьетнам ва яна бир қатор мамлакатларнинг кемалари, самолёт ва сунъий йўлдошлари қидирув ишларига жалб қилинган. Ҳозирча, бу саъй-ҳаракатлар керакли натижани бергани йўқ. Бунинг устига қидирув ишлари ноқулай об-ҳаво шароити туфайли оғир кечмоқда.

Тахмин қилинишича, Боинг-777 ҳавога кўтарилгандан сўнг бир соат ўтиб, Ғарбга, Ҳинд океани томон бурилган. Сабаби эса номаълум. Сунъий йўлдошлар орқали олинган маълумотларга кўра, лайнер камида 7 соат ҳавода бўлган.

*Картошка билан "қуролланган" америкалик фуқаро магазинни ўмаришга уринди.*

*Ушбу жиноятчини қўлга тушира олишмади. Бироқ, полицияда унинг ташқи қиёфаси ва кўринишига оид маълумотлар бор.*

❐ ❐ ❐

*Тойота компанияси машина сотишда жаҳон автомобиль саноати тарихида рекорд натижага эришди.*

*Ўтган йили компания 10 миллиондан зиёд машина сотди. Бу йил эса сотувни 10,32 миллионга етказмоқчи.*

❐ ❐ ❐

*Швед олимлари чироқларни ой нури билан алмаштиришмоқчи.*

*Ушбу лойиҳанинг мазмун-моҳияти шундаки, агар ернинг сунъий йўлдоши сатҳида кўплаб қуёш нурини акс эттирувчи махсус ҳудуд яратилса, бу бизнинг сайёрамиз осмони тунда ҳам кундагидек ёрқин бўлишига имкон берар экан.*

❐ ❐ ❐

*Қадимда Антарктида худди тропик ўлкалардагидек илиқ бўлган.*

*АҚШ, Австралия ва Нидерландия олимлари аниқлашдики, эоцена даврида Антарктиданинг айрим ҳудудларида иқлим бугунги Флорида ва Калифорния штатларидагидек бўлган.*



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Спорт

**"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоятимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болалар ва ўсмирлар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этилаётир. Таэквондо ITF йўналиши бўйича Зангиотада ўтказилган вилоят очиқ чемпионати бунга мисол.**

# САРДОРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

– Мусобақада вакилларимиздан ташқари Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган жами икки юз нафарга яқин ўғил-қиз ўнга яқин вазн тоифасида ғолиблик учун курашди, – дейди вилоят таэквондо ITF федерацияси раиси Баҳодир Саидвалиев.

Зангиота туманидаги Ўртаовул қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Файз" маҳалласида яшовчи Сардор Хўжаев мазкур чемпионатда ўз ёш ва вазн тоифаси бўйича кумуш медалга сазовор бўлди.

– Икки йилдан буён шу спорт тури билан мунтазам шуғулланаман, – дейди Зангиотадаги "Барс" таэквондо ITF клуби аъзоси С. Хўжаев. – Мусобақада 34 килограмм вазн тоифаси бўйича Самарқанд, Фарғона, Бекобод ва паркентлик тенгдошларимни енгишга муваффақ бўлдим. Финалда хатога йўл қўйиб, Тошкент шаҳри вакилига имкониятни бой бериб қўйдим. Энди устозим Иброҳим Асомов кўмагида ана шу хатолар устида жиддий ишлаймиз. Мақсадим – келажакда Осиё ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ФИРИБ МАЛИКАСИ

**Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Бу мудҳиш кўчага бир кирган кишининг қайтиб чиқиши иродасию виждонига боғлиқ. Аммо, бу қора курсига беш марта ўтириб ҳам тавба қилмаган Малика Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қатор моддалари билан яна айбланди.**

Хўш, асли янгийўллик Маликани қайта-қайта жиноят кўчасига ундаган нарса нима бўлиши мумкин? Албатта, нафс балоси. Йўқса, айрим содда ва лақма шахсларни фириб йўли билан алдамаган ва "осмондан ёғиладиган пуллар"ни осонликча қўлга киритиш учун тубанлик ботқоғига ботмаган бўларди.

Малика 2009 йил май ойида Ш. Алиева ва дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Иброҳим исмли киши билан жиноий тил бириктириб, Н. Нажмитдиновга давлат эгалигига ўтказилган Ангрен шаҳар, 5/1 "б" даҳаси, 36 "а"-уйининг 42 ва 43-хонадонларини 700 АҚШ долларига сотиб, унинг номига расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, ишончига киришди ва бу пулни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишди.

Фириб маликаси бу билан тўхтагани йўқ. Жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2010 йил ёз ойларида Д. Низомитдиновага эгасиз уй тарихасида эътироф этилган Ангрен шаҳар, 5/1 "б" даҳаси, 36 "а"-уйининг 63-хонадонини 2.500.000 сўмга расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, 1.950.000 сўм ва 50 АҚШ долларини нақд санаб олди.

Тобора иштаҳаси очилиб бораётган Малика 2013 йил май ойида С. Рўзиматовни давлат ҳисобида бўлган Ангрен шаҳар 5/1 "б" даҳаси, 36 "а"-уйининг 57-хонадони ўзига тегишли эканлигига ишонтирди ва уни ижарага беришини айтиб, 100.000 сўмга туширди.

Мазкур жиноят ишини келтириб чиқарган шарт-шароит ва бошқа сабабларни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келиндики, "Боботоғ" маҳалла фаоллари аҳоли билан ҳуқуқий-тарбиявий ишларни етарли даражада олиб бормаётирлар. Агар шу каби ҳолатлар такрорланаверса, ёшлар ҳам бу жиноятларга қўшилиб қолишлари мумкин.

Жиноятчи қонун олдида жавоб беришга мажбур, зотан, қонун барчага баробар. Тўғри, Малика содир этган жиноятлар ҳукуматимиз томонидан бир неча марта авф этилди. Аммо кўза кунда эмас, кунида синади. Фирибгарнинг қилмишлари оғир якун топиши, қора ўтмишини жиддийроқ эслатиб қўйиши мумкин. Вақтинча ишсиз аёлга суд муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида ажрим чиқарди. Аммо жиноятчи бундан, ниҳоят, тўғри хулоса чиқарармикин?!

Биз ҳамиша фирибгарлардан огоҳ бўлишимиз, бирор шубҳали ҳолатни сездикми, дарҳол тегишли идораларга мурожаат қилишимиз лозим. Уй-жой масаласида эса зинҳор шошилмаслик, керакли идоралардан сотилаётган хонадон ҳужжатларини суриштириш, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиш зарур. Бировнинг ташвишидан фойдаланиб қоладиган олчоқларнинг пайини қирқиш аввало, ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билишимиз, қонунни теран англашимиз ғоятда муҳим.

**М. МУЛЛАЖОНОВ,**
**Ангрен шаҳар прокурори ёрдамчиси.**
**Н. ШОФАЙЗИЕВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Хуршида ТУРСУНБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9753. Адади 15851. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.